

УДК 595.773.4

**ЎЗБЕКИСТОНДА WOHLFARTIA MAGNIFICA SCHINER, 1862  
(DIPTERA, SARCOPHAGIDAE). ПАШШАСИННИНГ ТАРҚАЛИШИ**

**Ю. Ю. Мингишев**

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар  
университети Тошкент филиали

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада Ўзбекистон шароитида қўйларнинг вольфартиози ҳақида маълумотлар келтирилган. Аниқланишича, вольфарт пашша личинкаларининг паразитлик даври Ўзбекистон шароитида 6-7 ой бўлиб, апрель-майдан октябрь-ноябргача давом этади. Бу даврда *Wohlfahrtia magnifica* пашшаларининг вояга етган 5-6 авлоди ривожланади. Ўзбекистонда вольфартиознинг эпизоотик ҳолати қўйчилик ва чорвачилик хўжаликларида кенг тарқалганлиги билан тавсифланади.

**Калит сўзлар:** Вольфартиоз, инвазии экстенсивлиги ва интенсивлиги, қўйчилик, *Sarcophagidae*, зоофил пашшалар.

Чорвачилик халқимизни озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда алоҳида ўрин эгаллайди. Шу туфайли бу муҳим соҳани ривожлантиришга Республикамиз Президенти ва Ҳукумати катта эътибор бериб келмоқдалар. Чорвачилик соҳасида қўйчилик етакчи тармоқлардан бири бўлиб ҳисобланади, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган гўштнинг асосий қисми шу тармоққа тўғри келади, бу эса ушбу тармоқни янада илмий асосда ривожлантиришни тақозо этади. Бунинг учун қўйларни меъёр даражада парваришlash, тўла қийматли озиқлантириш ҳамда наслчилик ишларини янада яхшилаш муҳим ва долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Буларнинг барчаси ўз навбатида, ҳайвонлар касалликлари туфайли юзага келадиган иқтисодий йўқотишларнинг олдини олиш ва минималлаштиришга йўналтирилган, озиқлантириш сифатини, парваришlash, касалликларни олдини олиш ва даволаш чораларини яхшилашни талаб қилади (Бакунов, 1998; Габиденова ва бошқалар, 2018). Қўйларнинг барча касалликлари орасида қўйчиликка катта зарар етказадиган паразитозлар алоҳида аҳамиятга эга, жумладан вольфартиоз бутун Ўзбекистон бўйлаб апрелдан ноябргача, яъни бутун яйлов мавсумида кенг тарқалиши билан ажралиб туради.

Бинобарин, Ўзбекистонда қўйларнинг кенг тарқалган касалликларидан бири Sarcophagidae оиласига мансуб *Wohlfahrtia magnifica* пашшаси томонидан чақириладиган вольфарттиоз ҳисобланади. Оғиз илмоқлари ва тиканларга эга личинкалар ярага тушгандан сўнг ҳайвон тўқималарини нобуд қилади, қичишиш, оғриқ ва бошқа патологияларни келтириб чиқаради. Касалланган қўйлар улардан халос бўлишга ҳаракат қилишади, безовталанади, бошларини туширган ва яширган ҳолатда тез-тез ётади, сурувдан орқада қоладилар.

Ўрта Осиё республикалари, Россия, Украина шароитларида *Wohlfahrtia magnifica* чивинлари экологиясига оид бир қанча адабиётларда нашрлар мавжуд (Ган, Муртабеков, 1947; Сичевская 1954; Қодирова, 1958; Чарикулиев, 1962; Терновой, 1963; Валентюк, 1969, 1970).

### **МАТЕРИАЛЛАР ВА ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ**

Тошкент вилоятининг Қибрай, Ўртачирчиқ, Чиноз, Бекобод ва Янгийўл туманлари ҳамда Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ, Дехқонобод, Қамаш, Ғузор, Косон ва Чироқчи туманлари хўжаликларида вольфарттиознинг тарқалиши ва қўйларнинг миаз чивинлари личинкалари билан зарарланиши беш юзга яқин ҳайвонларни клиник текшириш натижалари бўйича ўрганилди.

Чивинларнинг личинкалари ва вояга етганларининг тур таркибини аниқлаш учун ҳашаротларнинг учиб даврида қўйчилик комплекслари ва фермер хўжаликлари ҳудудида, тўрлардан, энтомологик пробиркалар ёки тутгичлардан фойдаланиб йиғилди. Ҳаммаси бўлиб 100 дан ортиқ пашшалар тутилди, 8 мингга яқин личинкалар тўпланди ва қайд этилди.

Қўйларнинг миаз билан зарарланишининг мавсумий динамикасини аниқлаш учун ҳайвонларда ҳар декадада бир маротаба визуал текшириш усули қўлланилди, бунда зарарланган ҳайвонлар миқдорига эътибор қаратилди, яъни инвазия экстенсивлиги (ИЭ,%) ва яралардаги личинкалар сони - инвазиянинг интенсивлиги (ИИ, нусха) инobatга олинди. Бундан ташқари, ҳайвонларнинг жинси ва ёши, яралар локализацияси ва личинкаларнинг ёши ҳисобга олинди.

### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Аниқланишича, вольфарт пашшаси личинкаларининг паразитлик даври Ўзбекистон шароитида 6-7 ой бўлиб, апрель-майдан октябрь-ноябргача давом этади. Бу даврда *Wohlfahrtia magnifica* личинкаларининг вояга етган 5-6 авлоди ривожланади.

Қўйлар орасида вольфарттиоз касаллигининг энг кўп тарқалиши асосан Қашқадарё вилоятида қайд этилган. Вольфарттиоз ҳар қандай жинс ва ёшдаги қўйларни зарарлаши қайд этилди. Наслдор ва ахталанган қўчқорлар совлиқлар ва қўзиларда қараганда *W. magnifica* личинкалари кўпроқ зарарланиши аниқланди. Қўйларда вольфарттиоз инвазия экстенсивлиги (масалан, 2021, 2022)

кенг диапазонда ўзгариб турди ва 2021 йилда наслдор қўчқорларда - 1,0-5,9%, 2022 – 2,0-11,2 %, ахталанган қўчқорларда- 0,7-4,3% ва 0,5-5,7%, мос равишда; совлиқларда - 1,3-4,6 ва 0,7 – 3,7% ва қўзиларда-0,9-2,4% ва 0,4-3,2 % ни ташкил этди.

Вольфартия инвазиясининг максимал экстенсивлиги май-июн ойларида қайд этилди, бизнинг фикримизча бу Ўзбекистонда қўйларнинг жунини олишда уларга етказиладиган шикастланишлар билан боғлиқ. Июль ойида ва август ойининг биринчи ярмида касал ҳайвонлар сони жуда кам эди. Бу эса бизнинг назўаримизда, қўйларда жараҳатларнинг камайиши ва вольфарт пашшаси популяциясининг камайиши билан боғлиқ. Август ойининг учинчи ўн кунлигида инвазия экстенсивлиги яна кўтарилиши қайд этилиб, бу ҳолат вольфарт пашшасининг бир нечта ёзги авлодларининг ривожланиши ва ҳайвонларни вольфарт пашшасига қарши ишлов ўтказилиши тўхтатилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Инвазия интенсивлиги 2021 йилда қўчқорларда - 23-72, 2022 йилда – 26-74 нусхани ташкил этди. Ахталанган қўчқорларда инвазия интенсивлиги 2021 ва 2022 йиллар кесимида 9-42 ва 10-44, совлиқларда 26-77 ва 25-78, қўзиларда 18-52 ва 20-57 нусха *W.magnifica* личинкаларини ташкил этди (1 жадвал).

**1-жадвал**

**Турли хил ёшдаги қўйларда Вольфартиоз инвазиясининг экстенсивлик ва интенсивлик кўрсаткичлари**

№	Ҳайвонлар гуруҳлари	Тадқиқот йиллари			
		2021		2022	
		ИЭ,%	ИИ, нусха/бош	ИЭ,%	ИИ, нусха/бош
1.	Қўчқорлар	1,0-5,9	23 – 72	2,0-11,2	26-74
2.	Ахта қўчқорлар	0,7-4,3	9 – 42	0,5-5,7	10-44
3.	Қўйлар	1,3-4,6	26 – 77	0,7-3,7	25-78
4.	Қўзилар	0,9-2,4	18 – 52	0,4-3,2	20-57

Ўзбекистонда вольфартиоз бўйича эпизоотик ҳолат унинг қўйчилик ва чорвачилик хўжаликларида кенг тарқалиши билан тавсифланади. Касалликнинг тарқалишига жун олиш пайтида қўйларнинг жароҳатланиши сабаб бўлади. Вольфартиоз эпизоотологиясида иксод каналари ҳам муҳим аҳамиятга эга, улар қўйлар ва қорамолларнинг терисида яралар қолдиради. Фермаларда ва комплексларда ҳайвонларни боғлаб боқиш шароитида сақлаш вольфартия

инвазиясининг экстенсивлиги ва интенсивлигини камайтиришга имконият яратади.

### **ХУЛОСА**

Олиб борилган тадқиқотлар натижалари вольфартиоз муаммосининг долзарблигини кўрсатади. Қўй ва қорамолларни яйлов ва оғилхоналарда боқиш пайтида вольфартиозни даволаш ва олдини олишнинг янги технологик усулларини ишлаб чиқиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўриниб турибди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)**

1. Бакунов А.В. Испытание ларвоцидной активности некоторых пестицидов при вольфартиозе //Диагностика, лечение и профилактика заболеваний сельскохозяйственных животных: Сб. научных трудов. Ставрополь. 1998. С. 88-93.
2. Валентюк Е. И. К изучению экологии мухи Вольфарта (*Wohlfahrtia magnifica* Schin) // Вестник зоологии. – Киев,1969. -№5. -С.76-79.
3. Валентюк Е. И. Вольфартии (*Diptera: Sarcophagidae*) Крыма и Северного Причерноморья.: Дис. ... канд. биол. наук. – Киев, 1970. – 120 с.
4. Габиденова Г.Г., Мылтыкбай Г.Е., Исаева Д.К., Кереев А.К. Сравнительная эффективность препаратов для лечения ран при вольфартиозе овец //Молодой ученый. 2018. No 14 (200). С. 166-169.
5. Ган Э. И., Муратбеков. 1947. К биологии *Wohlfahrtia magnifica* Schin. Изв.АН УзССР., No 5. Ташкент.
6. Кадырова М. К. 1958. Биология и экология мух рода *Wohlfahrtia*.: Автореф.дисс. ... канд.биол.наук. -Ташкент. 23 с.
7. Порчинский И. А. 1916. Муха Вольфарта и ее русские сородичи // Тр.бюро" по энтомолог. т. 11, №9. Петроград.
8. Терновой В. И. 1963. Экология вольфартовой мухи (*Wohlfahrtia magnifica* Schin.) в Калмыцкой АССР и меры борьбы с вызываемыми ею миазами овец.: Автореф. дисс. ... канд.биол.наук. -Ленинград. 21 с.
9. Сычевская В. И. 1954. К биологии и экологии вольфартовой мухи // ДАН ТаджССР, т. 12. С.23-24.
10. Чарыкулиев Д. М. 1962. К изучению вольфартовой мухи // Изв. АН ТуркССР, серия биол. наук, т. 6. –С.43-45.
11. Четвертнов В.И. Терапия овец при Вольфартиозе // Сельскохозяйственный журнал, 2020. - №2(13). -С.66-70.